

**АХБОРОТ ТЕХНАЛОГИЯЛАРИ ВА ХАВФСЗЛИГИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРДАН  
ЖАБРАНГАН ШАХСЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФЛАКТИКАСИНING АҲАМИЯТИ ВА  
ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
317-гуруҳ курсанти*

**Одилбеков Дилмурод Азамат ўғли**

*ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ўқитувчиси  
майор Ш.З. Нарзиев*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ахборот технологиялари ва хавфсзлиги соҳасидаги жиноятлардан жабранган шахсларнинг махсус профилактикасининг аҳамияти ва ҳуқуқий асосларига доир долзарб масалалар таҳлил қилинган, муаммо ва камчиликлар ўрганилган ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар баён этилган. Ахборот технологиялари ва хавфсзлиги соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишнинг асосий воситаси махсус профилактикадир. Сўнги кунларда ахборот технологиялари ва хавфсзлиги соҳасидаги кўпгина ҳуқуқбузарликлар содир этилмоқда, бундай ҳуқуқбузарликларни олдини олиш эса бутун жамиятнинг вазифасидир.

**Калит сўзлар:** профилактика, ҳуқуқбузарлик, технология хавфсзлик.

Ўзбекистонда ахборот хавфсзлигини таъминлаш ва маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича “Ахборот еркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ҳар кимнинг ахборотни еркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсзлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб етди. Дарҳақиқат, 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган бу қонунда ахборот хавфсзлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсзлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув оргонларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари белгилайди деб белгиланган.

Ҳозирги кунда ахборот технологиялари жамият тараққиятининг турли соҳаларига жадал кириб бормоқда ва уларни ривожланриш учун хизмат қилмоқда. Бундай технологияларнинг таъсири одамларнинг турмуш тарзи, таълими ва ишида ўз натижасини кўрсатмоқда. Ахборот технологиялари жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ва ижтимоий муоммоларнинг ҳал этилиши учун муҳим омилга айланди. Маълумки, жамият ҳаётининг муайян соҳаси ривожланиши билан янги технологияларидан фойдаланиш ва яширинча (қонунга хилоф) ўз еҳтиёжларини қондиришни истовчилар пайдо бўлди. Бу ўз навбатида, жиний фаолиятнинг янги

тури – ахборот технологиялари хавфсзлиги соҳасидаги жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар нафақат интеллектуал мулк дахлсзлигини бузиш, балки фуқороларнинг шахсий ҳаёт ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш, бевосита зарар ва олинмаган фойда кўринишида мулкӣ зарар етказилиши, фирма обрўсининг тўкилиши, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳуқуқий фаолиятини бузишнинг ҳар хил турлари ва бошқалардир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, ушбу турдаги жиноятлар ахборот технологияларидан қонуний, хавфсиз фойдаланишни таъминловчи муносабатларга тажовуз қилади.

Жиноят объектининг тўрт бўғинли тузилишига ега еканлиги ҳақидаги назарияга асосланадиган бўлсак, ахборот технологияларидан ғайриқонуний фойдаланиш билан боғлиқ жиний тажовузнинг умумий объектини жиноят қонуни билан муҳофаза этадиган барча ижтимоий муносабатлар мажмуи, махсус объектини жамоат хавфсзлиги ва жамоат тартиби, турдош объектини ахборот технологияларидан қонуний ва хавфсиз фойдаланиш борасидаги ижтимоий муносабатлар мажмуи ташкил қилади. Бевосита объекти еса муайян модданинг номи ва диспозитсиясидан келиб чиқиб аниқланади. Аксарият ҳолларда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятнинг асосий таркиби объектининг ушбу тури муқобил тарзда ифодаланган оғирлаштирувчи таркибларда уларнинг сони, табиийки кўпайтирилган.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар таркибининг объектив томони аксарият ҳолларда моддий таркиб сифатида қаралади. Шу боис нафақат ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши, балки ижтимоий хавфли оқибатнинг юз бериши, шунингдек қилмиш билан юз берган оқибат ўртасидаги сабабий алоқа аниқланиши ҳам назарда тутилади. Ижтимоий хавфли қилмишларнинг ўзи еса мазкур жиноятларга татбиқан ҳаракатлар шаклида намоён бўлади ва баъзан ҳаракатсизлик бўлиши мумкин.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг субъектив томони айбнинг тўғри ёки егри кўринишдаги қасд шакли билан тавсифланади. Фақатгина битта жиноят, яъни ахборотлаштириш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи ЖК-2781 –моддасидаги жиноят ҳам қасддан, ҳам еҳтиётсизлик туфайли содир этилиши мумкин. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг субъекти ақли расо, 16 ёшга тўлган, ахборотни қўриқлаш мажбуриятига ега ёки компьютер ахборотларига қонунга хилоф равишда кирган шахслар ҳисобланади.

Компютер теҳнологиялардан фойдаланиш соҳасидаги эркаклар беш маротабагача содир этишади. Бундай жиноятлар субъектнинг кўпчилиги олий ёки тугалланмаган олий теҳник маълумотлилар (53,7%), қолганлари еса олий маълумотлилар, шунингдек тугалланмаган олий маълумотлилар (19,2%) ҳисобланишади.

Сўнги вақтларда уларнинг сафида аёлларнинг улуши ҳам ортиб бормоқда. Бу аксарият ҳолларда аёллар томонидан (котиба, ҳисобчи, иқтисодчи, менеджер, ғазначи, назоратчи)кабилар компьютер асбоб - ускуналари билан боғлиқ кўпгина иш жойлари, мутахассизлар ва мансабларнинг эгалланиши билан боғлиқдир.

Криминологлар тадқиқотларининг гувоҳлик беришича, жиноятчиларнинг 52% ини компьютер ахборотларини ишлаб чиқиш соҳасида махсус тайёргарлик кўрганлар, 97% ини кундалик иш фаолиятида компьютер тизими ва ахборот технологияларидан фойдаланувчи давлат ташкилоти ва муассасалари ходимларининг, 30% ини компьютер воситалари техникаларининг эксплуатация қилишга бевосита муносабатда бўлган ҳуқуқбузарлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида яқин вақтларгача компьютер жиноятчилиги фақат хорижий ривожланган мамлакатларга хос ҳодиса деб ҳисобланиб келган ва жамиятимизунча компьютерлашмагани боис, бундай жиноятлар мавжуд эмас еди. Бироқ айни вақтда юртимиздаги вазият бошқача. Одамлар, корхоналар ва ташкилотлар, давлат фаолиятининг деярли барча томонларига дахлдор бўлган жамиятнинг компьютерлашуви ижтимоий муносабатларнинг янги соҳасини юзага келтирди. Бу соҳа, афсуски, коп ҳолларда ғайри қонуний қилмишлар объектига айланмоқда. Хўжаликнинг турли тармоқлардаги ҳолат, шунингдек мамлакат муҳофаа қобилятининг объектив инъикоси бўлган компьютер ахборот тизими ушбу тизимга улкан молийавий -моддий зарар ётказиши мумкин бўлган жиноятчи унсурларнинг рухсатсиз ғайриқонуний киришидан ҳуқуқий хавфсизликни таъминлаш воситаларига жуда муҳтож. Бу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасидаги қонунга ҳилоф ҳаракатлар содир етганлак учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2007-йил 30-ноябрь қонунда компьютер тизимларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ хавфли қилмишлар жиноят деб белгиланди ҳамда амалдаги Жиноят қодекси “ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” номли янги 21-боб билан тўлдирилди. Мазкур боб Жиноят кодекси Махсус қисмининг “ Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар” деб номланган олтинчи бўлимга киритилди.

Ахборот технологияларидан ғайриқонуний фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларнинг криминаллашуви айни вақтда ахборот муносабатлари элементларига ҳам, жиноят қонунда тартибга солинадиган муносабатларга ҳам алоқадор бўлган тушунчаларнинг ҳуқуқий мазмуни ва моҳиятини тадқиқ етишни талаб этади.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят қодексида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга оид янги бобнинг пайдо бўлганлиги, бир томондан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олдига ушбу турдаги очиш ва тергов қилиш вазифасини қўймоқда. Бошқа томондан, ахборот технологияси атрофидаги муносабатлар соҳаси яқинигача технтка соҳасидаги мутахассисларнинг

иши ҳисобланади. Шу боис айрим юристлар ушбу соҳа терминлари ва тушунчаларини ҳамон ётарли даражада билмайдилар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни содир етувчи шахсларнинг доираси нисбатан кенг. Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, жиноят жамият вакилларининг турли тоифаларидан мавжуд.

Такидлаш жоизки, суд компьютер техникалари экспертизасини ўтказиш методикасининг ишлаб чиқилмаганлиги ташкилий-ҳуқуқий жихатдаги долзарб муоммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг экспертиза хизматлари ўз таркибида суд компьютер техникалар экспертизасини ўтказиш соҳасидаги мутахассизлар билан ҳам тўлдиришга еътибор қаратиш лозим ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т 2023
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси-Т 2023
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т 2023
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни.